

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Рахимов Зокир Тоштемирович

Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими

ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини

ривожлантириш технологияси..... 3

Рахимов Закир Таштемирович

Технология развития учебно-познавательной компетентности

будущих педагогов профессионального образования на основе

инновационного подхода..... 29

Rahimov Zokir Toshtemirovich

Technology of development of educational-cognitive competence

of future teachers of vocational education on the basis of innovative

approach..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 60

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

РАХИМОВ ЗОКИР ТОШТЕМИРОВИЧ

**ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Ped237 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳамидов Жалил Абдурасулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳимматалиев Дўстназар Омонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Мирсолиева Мухаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)

Диссертация билан педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-90-37).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ кун тарқатилди
(2021 йил “___” _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида таълим тизимини ислоҳ қилиш, глобал таълим жараёнларида фаол иштирок этиш, ҳамда инновацион ёндашув асосида талабалар ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг фаол технологияларни жорий этиш белгилаб олинган. Олий таълим жараёнида кредит-модул тизимига ўтилиши ҳам бу борада муҳим қадам саналади. Европа давлатларида таълим тизими Европа ҳамжамиятининг ERASMUS (European Community Action Scheme for mobility of University students) ва TEMPUS каби дастурлари асосида олиб борилади. Шунга кўра, таълим сифатини ошириш халқаро рақобатбардошликни таъминлаш, таълимда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш негизида таълим жараёнини инновацион ёндашувлар асосида ташкил қилиш ва натижаларини амалиётга жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари таълим тизимлари олдида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг юксак касбий салоҳият, ташаббускорлик, тезкор ўзгаришларга – тезкор мослашиш, билиш жараёнларини фаоллаштириш, креатив фикрлаш ва мустақил фаолиятни йўлга қўйиш каби муҳим сифатларини ҳам ривожлантириш талабларини қўймоқда. Европа давлатлари таълим тизимида амал қилинаётган Болонья декларацияси бугунги кунда ERASMUS дастури бўйича Европа ҳамжамияти олий таълим муассасалари ўртасидаги талабалар алмашинуви йўлга қўйилган. Улар ўртасида Европа олий таълим муассасалари таълими натижаларини ўзаро тан олиш тизими – ECTS (European Credit Transfer System) шакллантирилган. Мазкур тизимда бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш бўйича таълимда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш негизида халқаро таълим стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Республикамизда ҳар томонлама камол топган, юксак касб-ҳунар маданиятига, ижодий, ижтимоий фаолликка эга бўлган, жамият, давлат, оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган кадрларни тарбиялаш масаласига амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси муассасаларининг жаҳондаги йирик илмий марказлар билан тўғридан-тўғри илмий алоқалари тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида сезиларли равишда кенгайиб бормоқда. “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда”¹. Таълим тизимида инновацион ёндашув асосида талабалар ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи янги технологиялар ва методларни ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг долзарблигини назарда тутади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 10 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли, 2019 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-5847-сонли Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг технологик ва илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, London University (Буюк Британия), Oxford University (Буюк Британия), Ludwig-Maximilians- Stanford University (АҚШ), University of Texas (АҚШ), Preston University (АҚШ), Universität München (Германия), Eastern European Scientific Journal (Германия), Nagoya University (Япония), Григорий Сковорода номидаги Переяслав-Хмельницкий университети (Украина) Россия давлат касбий педагогика университети (Россия), Абай номидаги Қозоғистон миллий педагогика университетида (Қозоғистон) амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларида инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш муаммоси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга қаратилган инновацион технологияларни қўллаш усул ва шакллари ишлаб чиқилган (The International Conference on Adult Education – CONFINTEA); инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ox.ac.uk>; <https://london.ac.uk>; <https://www.utexas.edu>; Chartered and Recognized by the Government of NWFP and Government of Sindh <http://www.preston.edu.pk>; University of Munich, Ludwig-Maximilians-Universität München или LMU https://www.unipage.net/ru/university_of_munich; The journal is registered in Germany <http://www.eesj.ru>; <https://smapse.ru/nagoya-university>; <http://ksue.org.ua/uk/pereyaslav-hmelnitskiy-gosudarstvenniy-pedagogicheskiy-universitet-imeni-grigoriya-skovorodyi>; <https://www.rsvpu.ru>; <https://www.kaznpu.kz/ru>; International Conferences on Adult Education (CONFINTEA) <https://uil.unesco.org/adult-education/confintea>; <https://www.uni-heidelberg>.

ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг методик тизими такомиллаштирилган (National Institute Of Technical Teachers Training And Research); ўқитишнинг анъанавий ва замонавий дидактик воситалари асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг модулли технологиялари ишлаб чиқилган (University of Heidelberg); бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини шакллантириш жараёнини лойиҳалаш (моделлаштириш) методлари тизимлаштирилган (Princeton university); медиатеchnологиялар ва тьюторлик тизимини жорий этиш орқали бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентликни ривожлантириш механизми ишлаб чиқилган (Technology and methodology of vocational education), бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга қаратилган таълим парадигмалари ишлаб чиқилган (Россия).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасаларида таълим жараёнига инновацион ёндашув ҳамда талабаларда ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг турли муаммолари бўйича Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, А.Р.Ходжабоев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Д.Д.Шарипова, М.Б.Уразова, Р.Д.Шодиев, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Тўракулов, С.Ю.Ашурова, Д.О.Химматалиев ва бошқалар³ изланишлар олиб боришган.

МДХ мамлакатлари олимларидан И.А.Адольф, В.Г.Афанасьев, В.П.Беспалько, Ю.И.Булатова, А.Б.Воронцов, Д.С.Елисеева, Э.Ф.Зеер, В.И.Загвязинский, И.Ф.Исаев, Л.С.Подымова, В.А.Сластенин ва бошқалар⁴

³ Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессионального подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс ... док.пед.наук.-Т.:1995.-43с., Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. – Т.: “Турон-Иқбол”, 2006.-592 б., Ходжабоев А.Р. Научно педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда. Дис. док. пед. наук. –Т.: 1992. - 406 с., Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий – методик асослари.: Дис. ... пед. фан. докт. – Т.: 2007. – 275 б., Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари: Дис. ... пед.фан.докт. – Т.: 2005. – 286 б., Шарипова Д. Использование здоровьесберегающих технологий в системе непрерывного образования в целях духовно-нравственного и культурного развития подрастающего поколения / Д. Шарипова, С. Турсунов, Г.А. Шахмурова [и др.]. – Ташкент: Fan va texnologiyalar, 2014. – 116 с., Уразова М.Б. Бўлажак касб таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш: Педагогика фан. бўйича докторлик (DSc) дисс. автореферати. – Т.: 2015.-78 б., Шадиёв Р.Д. Дидактические основы реализации проблемы понимания в учебно-познавательной деятельности. Диссертация на соискание ученой степени доктора педагогических наук.: 13.00. 01 - Ташкент. 2004. - 267с., Ҳамидов Ж.А Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитувчининг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. автореф. – Т.: 2017. 70 б., Туракулов О. Х. Аборотлаштирилган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – 64 бет., Ашурова С.Ю. Профессиональная компетентность как объект оценки // Молодой ученый. – 2012. - № 4. – С. 414-417., Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси: Педагогика фанлари бўйича докторлик (DSc) дисс. автореф. – Т.: 2018. - 70 б.

⁴ Адольф, В.А. Формирование учебно-познавательной компетентности учащихся в процессе освоения геометрии / В.А. Адольф, Т.В. Захарова // Сибирский педагогический журнал. – 2012. – №1. – С. 111118., Афанасьев, В.Г. Человек. Общество, управление, информация. Опыт системного подхода: Монография / В.Г. Афанасьев. – Изд.: OZON, 2013 – 208 с., Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии / Москва : Педагогика, 1989. – 192 с., Булатова, Ю.И. Активизация учебно-познавательной деятельности студентов вузов / Ю.И. Булатова // Педагогика высшей школы и профессионального образования. – 2012. – №3 (5). С. 8-13., Воронцов, А.Б. Развивающее обучение. Модель основной образовательной программы образовательного учреждения / М.: Просвещение, 2013. – 192 с., Елисеева, Д.С. Формирование учебно-познавательной компетентности младшего школьника как педагогическая проблема [Электронный ресурс] / Педагогические науки. – 2013.,

бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришда инновацион ёндашув масалаларига доир илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан Акстобе Давид (Oxtoby W. David), Энди Норман (Andy Norman), Фостер Н. Ричерд (Foster N. Richard), Годвин А. Кара (Godwin A. Kara), Патти Дренпеау (Patti Drapeau), Скотт Роберт (Scott A. Robert), Лаяе Жой (Lau Joe Y.F.), Гарри Миллар (Gary W. Millar), Жон Спикей (John Spacey), Хизер Фрай (Heather Fry), Джон Д. Бренсфорд (John D. Bransford), Мишель Шварц (Michelle Schwartz) кабиларнинг⁵ тадқиқотларида таълим жараёнга инновацион ёндашув, талабаларнинг билиш жараёнларини ривожлантириш, компетентлик масалалари, инновацион технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш назарияси ва амалий йўналишлари бўйича илмий-педагогик тадқиқотлар олиб боришган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Эразмус+ дастури “Олий таълимда салоҳиятни ошириш” “ITEM Project” грант лойиҳаси ҳамда “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади олий таълимда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини инновацион ёндашув асосида ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион методологик ёндашув асосида касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг концептуал дидактик тизимига асосланган ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва функционал талаблари мос бўлган ташкилий-тузилмавий моделини ишлаб чиқиш;

Зеер Э.Ф. Психология профессионального образования : учебник для студ. учреждений высш. проф. образования / Э.Ф.Зеер. — 2-е изд., испр. и доп. — М. : Издательский центр «Академия», 2013. — 416 с., Загвязинский, В.И. Теория обучения и воспитания: Учебное пособие для студ. высш. пед. уч. зав. / В.И. Загвязинский. - М.: Академия, 2012. - 256с., Подымова Л.С. Инновационность субъекта образования в контексте модернизации высшего педагогического образования //Педагогическое образование: вызовы XXI века. – М.:МПГУ, МАНПО, 2015.– С.32-37., Сластенин В.А. и др. Педагогика Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / В. А. Сластенин, И. Ф. Исаев, Е. Н. Шиянов; Под ред. В.А. Сластенина. - М.: Издательский центр "Академия", 2013. - 576 с.

⁵ Oxtoby W. David “The Place of the Arts” Liberal Education 98 (2012): 26-41., Andy Norman. The Socratic Method as an Approach to Learning and Its Benefits // <http://repository.cmu.edu/hsshonors.>, Foster N. Richard “What is Creativity,” Yale Insights. February 16, 2015. Accessed on October 12, 2016. Godwin, A. Kara “The Counter Narrative: Critical Analysis of Liberal Education in Global Context.” New Global Studies 9 (2015): 223-243., Drapeau, Patti. Sparking Student Creativity : Practical Ways to Promote Innovative Thinking and Problem Solving. Alexandria: ASCD, 2014. Accessed October 10, 2016. ProQuest ebrary Scott A. Robert “The meaning of liberal education.” On The Horizon 22 (2014): 23-34., Lau Joe Y.F. An introduction to critical thinking and creativity: think more, think better. New York: John Wiley and Sons, 2015. 262 p., Gary W. Millar. The Power of Creativity: Results of the 50–Year Follow–Up to the Torrance Longitudinal Study of Creative Behavior. 2010., John Spacey. What is Recursive Self-Improvement, 2017. Heather Fry, Steve Ketteridge, Stephanie Marshall. A handbook for teaching and learning in higher education: enhancing academic practice / Third edition // <http://biblioteca.ucv.cl.>, John D. Bransford, Ann L. Brown, Rodney R. Cocking. How People Learn: brain, mind, experience and school // www.colorado.edu., Schwartz M. Best Practices in Experiential Learning // www.ryerson.ca.

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш фаолиятини персоналлаштириш, ўз-ўзини актуаллаштириш асосида ўқув-билиш компетентлигини ривожланишининг анъанавий ҳамда электрон таълим ресурслари тайёрлаш орқали мобил-дидактик ва ўқув-методик контентини олий таълимнинг кредит-модуль тизими талаблари асосида бойитиш;

касб таълими йўналишлари талабаларининг ўқув-билиш компетентлигини инновацион ёндашув асосида ривожлантиришни таъминлашга қаратилган шахсга йўналтирилган таълим технологияларини мақсадли лойиҳалаштириш-моделлаштиришга қаратилган имкониятларидан фойдаланилган ҳолда умумкасбий ва ихтисослик фанларида қўллаш бўйича методик тизими компонентларини такомиллаштириш;

талабаларнинг тасаввурлари, ассоциатив тафаккури, рақамли саводхонлиги, маданияти, танқидий фикрлашини шакллантириш, уларни мустақил, амалий, ижодий касбий фаолиятга йўналтириш орқали ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган инновацион таълим технологиялари ва методларини ишлаб чиқиш, ўқув машғулотилари ҳамда мустақил таълим олишда қўлланилиши технологиясини такомиллаштириш;

инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини мотивацион, когнитив, фаолиятли, креатив компонентлари бўйича ривожлантиришда ўзлаштириш дифференциаллашган даражаларини объектив баҳолаш диагностик параметр ва индикаторларини тадқиқот мазмунига мос ҳолда оптималлаштириш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқот объекти олий таълим муассасаларида инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқот предмети инновацион ёндашув асосида касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганиш; қиёсий таҳлил; ижтимоий методлар (анкета, суҳбат, интервью); муаммоли топшириқлар, даражали топшириқлар, тест; педагогик кузатиш; моделлаштириш; педагогик тажриба; математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион методологик ёндашув асосида касбий-педагогик (таълимий, маънавий-маърифий, илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш-технологик, лойиҳалаш-конструкторлик) фаолиятга тайёрлашнинг концептуал дидактик тизимига асосланган ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва ташкилий тузилмавий модели функционал талаблари мазмунан модернизациялаштирилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш фаолиятини персоналлаштириш (индивидуаллаштириш ва дифференциялаштириш), ўз-ўзини актуаллаштириш ҳамда шахсий портфолиосини бойитиш асосида ўқув-

билиш компетентлигини ривожланишининг анъанавий ҳамда электрон таълим ресурслари тайёрлаш орқали мобил-дидактик ва ўқув-методик контентни олий таълимнинг кредит-модуль тизими талаблари асосида ишлаб чиқилган;

талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришда муаммоли (problematic), модулли (modular), лойиҳа (project) таълим технологияларининг мақсадли лойиҳалаштириш-моделлаштиришга қаратилган (мотивацион, интеллектуал, муаммоли, амалий ва креатив йўналганлик) имкониятларидан фойдаланилган ҳолда умумқасбий ва ихтисослик фанларида қўллаш бўйича ташкилий методик тизими (муаммоли вазиятларни ечишга қаратилган процессуал-технологик) компонентлари такомиллаштирилган;

олий таълимнинг кредит-модуль тизими ва масофавий таълимни рақамлаштириш талабларига адекват ҳолда талабалар ўқув-билиш компетентлигини ривожлантирувчи “пауэр сейвинг” (power saving), “рейчер” (recher), “креатор” (creator) инновацион таълим технологиялари ҳамда “дуал компетент” (dual competent), “интеллектуал контроверс” (intellectual controvers), “демонтер” (demonter) методлари ишлаб чиқилган, аудитория машғулотларида ҳамда мустақил таълимни ижодий фаоллаштирувчи омили сифатида ўзини-ўзи (кучли, кучсиз ва мувозантловчи) ривожлантиришга йўналтирилган технологияси такомиллаштирилган;

инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини мотивацион, когнитив, фаолиятли, креатив компонентлари бўйича ривожланганлигининг дифференциаллашган даражаларини объектив баҳоловчи диагностик, прогностик параметр ва индикаторларини натижавий таҳлилининг миқдор ва сифат аспекти мазмунан оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Касбий педагогика”, “Касб таълими методикаси”, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” дарсликлари, “Педагогика”, “Педагогик технологиялар” ўқув қўлланмаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув адабиётининг нашр рухсатномаси берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензия берилган нашриётларда нашр қилиниб ўқув жараёнига тадбиқ қилинган;

“Касбий педагогика”, “Касб таълими методикаси”, “Таълим технологиялари” электрон дарслик мобил иловалари ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномалари олинган;

“Дуал компетент”, “Демонтер”, “Интеллектуал контроверс” методлари, “Пауэр сейвинг”, “Рейчер”, “Креатор” технологияларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги муаллифлик гувоҳномалари берилган;

“Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг педагогик компетентлигини шакллантириш технологияси”, “Касб таълимининг таянч компетенцияларини ривожлантириш” номли монографиялар чоп қилинган;

Инновацион ёндашув асосида касб таълими йўналиши талабаларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожланганлик даражаларини белгиловчи мезонлар такомиллаштирилган ва тажриба-синов ишларида унинг самарали эканлиги олинган натижалар асосида исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар тадқиқотчилари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ҳамда сифат жиҳатидан таъминланганлиги; олинган натижаларнинг ишончли математик-статистик метод ёрдамида таҳлил қилинганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инновацион ёндашув асосида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларда ўқув-билиш компетентликни ривожлантириш механизми моҳияти, педагогик имкониятлари, назарий-методик асослари ва олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчилари тайёрлашни такомиллаштиришнинг самарали имкониятлари, шакллари, технологиялари ва методлари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инновацион ёндашув асосида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш механизми такомиллаштирилганлиги, ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг мантикий тузилмаси ишлаб чиқилганлиги, инновацион ёндашув асосида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга доир амалий-методик тавсияларни ишлаб чиқилганлиги ҳамда эришилган натижалар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштиришда самарали натижалар қўлга киритилишига хизмат қилиши билан изоҳланади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик таъминотдан педагогика соҳасига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланилиб келинмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқувбилиш компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-методик асосларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

инновацион ёндашув асосида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларининг касбий билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ҳамда ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш жараёнининг яхлитлигини, уларнинг касбий фаолиятга муваффақиятли мослашишини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар асосида талабалар ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга қаратилган “пауэр

сейвинг”, “рейчер”, “креатор” инновацион таълим технологиялари, “дуал компетент”, “интеллектуал контроверс”, “демонтер” методлари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 002084, 002126, 003557, 002087, 002085, 002086-сон муаллифлик гувоҳномалари). Натижада мазкур инновацион технологиялар ва методлар бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

“Касбий педагогика” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғига асосан тасдиқланган, гувоҳнома рақами 1186-068), “Касб таълими методикаси” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 декабрдаги 1186-сон буйруғига асосан тасдиқланган, гувоҳнома рақами 1186-065), “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғига асосан тасдиқланган, гувоҳнома рақами 418-132) дарсликлари, Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларида 5111000 – Касб таълими (соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишлари ва 5A111000 – Касб таълими (соҳалар бўйича) магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашда фойдаланилган. Натижада мазкур ўқув адабиётлар талабаларнинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахсини ўзига хос хусусиятлари, қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ҳамда олий таълим муассасаларида юқори малакали бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашга хизмат қилган;

“Касб таълими методикаси” электрон дарслиги, “Касбий педагогика”, “Таълим технологиялари” электрон дарслик мобил илова дастурлари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 13512, 12026, 09570-сон муаллифлик гувоҳномалари). Натижада мазкур механизм глобаллашув шароитида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини самарали амалга ошириш ва мустақил таълим натижаларини объектив баҳолашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 2 та монография; 15 та ОАК томонидан докторлик диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган республика ва хорижий журналларида илмий мақолалар ва бошқа бир қатор илмий-услубий ишлар нашр қилинган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши: диссертация иши кириш, тўрт боб, хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 235 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқот методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилиши ёритилган, назарий ва амалий аҳамияти, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, унда инновацион ёндашув таълим жараёнини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги, ўқув-билиш компетентлигининг моҳияти ва мантиқий жиҳатдан таҳлили, инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганилган. Олий таълим муассасаларида касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) таълим йўналиши талабаларида ўқув-билиш компетенлигини инновацион ёндашув асосида ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) таълим йўналиши талабаларининг ушбу жараёнга хос физиологик, ижтимоий ва психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари, замонавий шароитда таълим сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишда ҳам психологик омилларга таяниш педагогик фаолиятнинг ижобий натижага эга бўлишини таъминлаши, касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) таълим йўналиши касбий фаолияти малака талабалари акс этадиган касбий компетенцияларнинг фаолият турлари ҳисобланадиган, илмий тадқиқот, лойиҳавий конструкторлик, техник сервис, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув, педагогик фаолият мазмуни ва моҳияти ёритилган.

Инновацион ёндашув натижасида: педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши; ўқув жараёнининг ўзгариши; педагогик назариянинг ўзгариши; ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши; талаба фаолиятининг янгиланиши; педагогик технологиянинг ўзгариши; таълим мазмунининг янгиланиши; ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши; таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши; таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши юзага келади.

Бундан ташқари, инновацион жараёнларнинг янги ғояларнинг туғилиши, яратувчанлик, янгилик киритиш, янгиликларни ҳаётга тадбиқ этиш, муайян соҳалардаги янгиликларнинг турғун хизмат қилиши каби босқичлари мазмуни, таълим соҳасидаги инновацион жараёнларнинг стихияли ва тизимли турлари, инновацион жараёнлар қонуниятлари, олий таълим муассасаларида касб таълими йўналишлари таълим жараёнига инновацион ёндашувлар таркибий

компонентлари ҳисобланган ўзига хос бўлган ёндашувлар мазмуни очиб берилган:

мотивацион-мақсадли ёндашув – турли хил таълимий янгиликларни яратилиши, амалиётга татбиқ этилиши, илғор хорижий таълимий янгиликлар ва уларни ўзлаштириш, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни тезкор эгаллаш, ўз фаолиятларида таълимий янгиликларни фаол қўллаш бўйича тажрибаларини ошириш;

фаолиятли ёндашув – ўз фаолияти давомида орттирган тажрибалари, қобилиятлари, имкониятларига асосан таълимий янгиликлардан фойдаланишда самарадорликка эришиш;

компетентли ёндашув – мустақил равишда билимларни эгаллаш фаолиятини ташкиллаштириш, рефлексия, ижодкорлик, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўзини бошқара олиш кўникмаларини эгаллаш, ўз-ўзини уюштириш ва ривожлантириш каби қобилият ва лаёқатларни шакллантириш;

тизимли ёндашув – шахсинг ривожланишида маълум бир тартибга солинган, ҳаракатдаги ва ягона бошқарувдаги умумий мақсадни жипслаштирувчи ва муҳит билан яхлитлик ўзаро ҳаракатларини амалга ошириш;

технологик ёндашув – янгиликларни қўллашда кўзланган натижаларга эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, босқичма-босқич амалга ошириш;

креатив ёндашув – ҳар қандай муаммоли вазиятни ечимини тезкор топиш қобилиятини ўстириш, янги тажрибаларни эгаллаш, ҳаракатнинг янги усулларини топиш, ташаббус кўрсатиш, янги ғоя ёки таклифлар ишлаб чиқиш ва илгари суриш.

Қуйидаги жадвалда таълим жараёнига анъанавий ва инновацион ёндашувлар қиёсий таҳлилин келтириб ўтамыз:

1-жадвал

Таълим жараёнига анъанавий ва инновацион ёндашувлар қиёсий таҳлили

№	Анъанавий ёндашув	Таълим жараёни асослари	Инновацион ёндашув
1	Соҳалар бўйича муайян талаб ва эҳтиёжларга мос ҳолда йўналтирилганлиги	Касб ва мутахассисликларнинг малака талаблари	Фан, техника ва технологияларнинг ривожланиш тенденцияси ҳамда иш берувчилар талабларига мувофиқ йўналтирилганлиги
2	Касбий тайёргарлик йўналишларида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар мазмуни	Ўқув режа ва дастурлари	Кредит-модуль тизими асосида ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотлар ҳажми, жойлашиши ва қисқача мазмуни тартибга солиш
3	Ўқув машғулотларини гуруҳий (жамоавий) шаклда ўтказиш	Таълимни ташкил этиш шакллари	Ўқув машғулотларида таълим олувчилар фаолиятини жуфтликка ёки кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ёхуд жамоавий мунозара шаклларида ташкил қилиш

4	Ўқитиш жараёнини ўқитувчи раҳбарлиги остида назарий ва амалий шаклларда ташкил қилиш	Таълимни ташкил қилиш жараёнида қўлланиладиган технология ва методлар	Таълим жараёнини инновацион таълим технология ва методлари (“Пауэр сейвинг” технологияси, “Дуал компетент”, “Интеллектуал контроверс”, “Демонтер” методлари) асосида самарали ташкил қилиш
5	Таълим берувчига йўналтирилган таълим тизимида таълимга, ўқув дастурларига, ўқув машғулот жараёнларига қатъий равишда таълим муассасаси ва ўқитувчи ҳоҳиши нуктаи назаридан ёндашилади.	Таълим берувчининг фаолият жараёнидаги ўрни	Талабаларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, мутахасислик ва меҳнат бозори талабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда талабага йўналтирилган ёндашув асосида амалга оширилади
6	Талабалар нимани, қанча, қандай усулда ўрганиши белгилаб берилиши “Тингловчи”, “қабул қилувчи”, “хотирасида сақловчи” сифатида ҳаракатланиши	Таълим олувчиларнинг фаолият жараёнидаги ўрни	Талабаларда мустақил фикрлаш, ўз фикрларини ифода этиш, мунозарага киришиш, муаммоларга танкидий ёндашиш, ўзлари учун ўзлари қарор қабул қилиш қобилиятларини шакллантиришга қаратилади
7	Савол-жавоблар ва уйга вазифа натижаларини (5-аъло, 4-яхши, 3-қониқарли мезон бўйича) баҳолаш	Назорат ва баҳолаш	Инновацион технология ва методлари қўлланилишида юзага келадиган натижаларни (креатив (юкори), продуктив (ўрта), репродуктив (қуйи) мезон ва даражалар асосида) баҳоланиши

Бизнинг фикримизча: компетентлик - назарий билимлар ва касбий кўникмаларни, шахсий сифатларни фаолиятда самарали қўллай олишидир.

Замонавий олий касбий таълим жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчилари компетентлигининг асоси сифатида талабанинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш бўйича эътиборни назарда тутати. Ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш олий таълимнинг кедит-модуль тизими талабларини бажарилиши асосида амалга оширилади.

Ўқув-билиш компетентлиги касбий ва махсус компетентликлар ривожланишининг самарадорлигини таъминлайди, бу эса унинг ривожланишини замонавий таълимнинг устувор вазифаси деб ҳисоблашга имкон беради.

Ўқув-билиш компетентлиги талабанинг мустақил билиш фаолияти соҳасидаги, шу жумладан, мантикий, услубий, умумий ўқув фаолияти элементлари, ҳақиқий когнитив объектлар билан боғлиқ бўлган компетентликлар мажмуи сифатида қаралади.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида ўқув-билиш компетенцияси деганда талабаларнинг мустақил билиш фаолиятига тайёрлиги, ўқув-билиш компетенцияси остида эса бу компетенцияни эгаллаш, ўз-ўзини ривожлантириш,

касбий шакллантириш истаги тушунилади. Ўқув-билиш компетентлигини тавсифлаб, кўпчилик муаллифлар турлича фикрларни илгари сурадилар.

Бизнинг фикримизча: Ўқув-билиш компетентлиги - деганда, талабаларнинг ўзига зарур бўлган билимларни мустақил ўзлаштириш, мустақил таълим олиш фаолиятига тайёрлиги, ўз-ўзини ривожлантириш орқали касбий ривожланиш мақсадига эришиш тушунилади.

Ўқув-билиш компетентлиги мазкур таркибий компонентлар асосида ривожланади:

мотивацион компонент – талабаларнинг ўз ўқув эҳтиёжлари, мақсадлари ва фаолият мазмуни ва натижаси ҳақидаги тасаввурларини англашни ўз ичига олади; ўқув фаолиятига фаол қўшилишга, янги нарсаларни ўрганишга йўналтириш; компетентликни намоён этишга ижобий туртки беради;

когнитив компонент – билиш фаолиятининг воситалари ва натижаларини таҳлил қилишни таъминлайди унинг шаклланишининг барча босқичларида таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослаш ва умумлаштириш қобилияти талаб қилинишини кўрсатади;

фаолият компоненти – билиш вазифаларини, умумий илмий ва хусусий-субъект билиш фаолияти усулларини, умумий таълим кўникмаларини мустақил ҳал этишга тайёрлик; талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ белгилаш, режалаштириш, таҳлил қилиш, акс эттириш, ўз-ўзини баҳолаш кўникмаларини эгаллашлари;

креатив компонент – талабаларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ижодий кўникмаларига эгаллиги, воқеликдан бевосита билим олиш қобилияти, ностандарт вазиятларда ҳаракат усулларига эгаллиги, муаммоларни ечишнинг турли усулларини ўз ичига олади, яъни тадқиқот кўникмаларидан фойдаланиш билан боғлиқ билиш вазифаларини мустақил ҳал қилишга тайёрлигини ифодалайди.

Талабалар ўқув-билиш компетентлигининг энг муҳим сифатлари мустақиллик, билиш фаолияти, ўқув жараёнидаги камчиликларни бартараф қилишга тайёрлик ва вазифа бўйича қарор қабул қилишда самарадорлик ҳисобланади. Мустақиллик даражасининг ошиши талабанинг ўз фаолиятининг мотивлари, мақсадлари, усулларини англашига ва талабанинг педагогик таъсир объектидан ўз фаолиятининг субъектига айланишига ёрдам беради. Бу сифатларни шакллантириш талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти натижасида юзага келади, шу сабабли талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга саналади.

Диссертациянинг **“Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизими ва тузилмаси”** деб номланган иккинчи бобида инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизими, инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш

компетентлигини ривожлантиришнинг мазмуни ва мантикий тузилмаси моҳияти ёритилган.

Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш касбий тайёргарлик жараёнида талаба шахсининг ривожланишида асосий ўринни эгаллайди. Касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиси талабага билимга бўлган мотивацион ва қадрият муносабатини, мавзуга бўлган иштиёқини юзага келтира олиши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, бўлажак касб таълими ўқитувчилари касбий малакага эга бўлиши керак, шунингдек, ўқитиладиган соҳасидаги махсус билим ва кўникмалар, ўз соҳасида чуқур билим ва кенг билим бериш, ностандарт фикрлаш, инновацион тактика ва стратегияни эгаллаш, ижодий муаммоларни ҳал қилиш усуллари; психологик, педагогик, коммуникатив ва ижтимоий-ташкилий компетентлик сифатларига эга бўлишлари талаб қилинади.

Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини самарали ривожлантириш муайян тартибда педагогик шарт-шароитлар мавжудлигини тақозо этади. Мавзуга доир адабиётларни ўрганиш ва касб таълимининг ташкил этилиш жараёнини кузатиш натижасида қуйидаги педагогик шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги белгилаб олинди:

хуқуқий-меъёрий таъминот – умумий ва касбий фанлар учун ажратилган ўқув соатлари, ўқув дастури, ишчи ўқув дастури, ва барча ўқув-меъёрий ҳужжатлар;


илмий-педагогик таъминот – малакали, етакчи профессор-ўқитувчилар, ўз соҳасини чуқур биладиган методистлар, масъулиятли техник ходимлар;

методик-техник таъминот – дидактик воситалар мажмуаси (маъруза матнлари, тақдимот слайдлари, тарқатма материаллар, иш қоғозлари, ўқув топшириқлари, амалий кўрсатмалар, назорат-синов саволлари, жиҳоз, механизм, қурилма, асбоб-ускуналар);

ахборот – дастурий таъминот – таълим жараёнини автоматлаштирувчи воситалар (интернет тармоғига уланган замонавий компьютерлар) модуль платформаси, зоом драйверлари, электрон дарслик мобил иловалари, ўқув қўлланма ва ўқув-услубий мажмуалар дастурлари, видеоматериаллар.

Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабалари учун касбий фаолият учун махсус компетенциялар зарур бўлиб, улар талабаларнинг илмий ва илмий-тадқиқот, техник-технологик, лойиҳалаш конструкторлик, экспериментал-тадқиқий, ташкилий-бошқарув кўникмаларини шакллантиради. Талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш учун аста-секин унинг мотивацион, когнитив, фаолият ва креатив-ижодий компонентлари шакллантирилади.

Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини самарали шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшадиган моделни таркибий ва мазмуний компонентлари белгилаб олинди.



1-расм. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш тузилмавий модели

Ушбу моделнинг ишлаш самарадорлиги мураккаб педагогик шартлар билан таъминланади: 1) талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга назарий тайёрлиги; 2) табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган таълимни ташкил этиш; 3) талабаларнинг ўзаро тайёргарлигини ташкил этиш; 4) талабаларни лойиҳа фаолиятига жалб этиш.

Модель жараён элементларининг тизимли таркибини ақс эттиради. Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш) йўналиши талабаларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг назарий кўриниши вазифасини бажаради.

Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш модели педагогик воситаларни ташкил этади, улар ўртасида турли боғланишларни ўрнатади, уларни қўллаш кетма-кетлигини белгилайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини инновацион ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари”** деб номланади. Унда инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришда шахсга йўналтирилган таълим технологиялари, инновацион таълим технология ва методлари бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим омили эканлиги, мустақил таълим асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш моҳияти, таклиф этилган технологиялар ва методлар қўлланилиши ҳамда қўлланилиши юзасидан мисоллар келтириш асосида мухтасар тарзда баён қилинган.

Тадқиқот ишида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг самарали дидактик имкониятлари аниқлаштирилган ва “пауэр сейвинг”, “рейчер”, “креатор” инновацион таълим технологиялари ҳамда “дуал компетент”, “интеллектуал контроверс”, “демонтер” методлари ишлаб чиқилган ва ўқув машғулотлари шунингдек, мустақил таълимга жорий этиш методикаси асосланган.

Касбий таълим жараёни сифати ва самарадорлигига эришиш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш масалалари ўқув машғулотларида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ва методларини қўллаш жараёнида ўз ечимини топади.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияси – бу талабаларнинг шахсий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг шахсиятини ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёнини ташкил этишнинг махсус усули бўлиб, унда ўқитувчи талабанинг билим қобилиятлари, имкониятлари ва манфаатларига жавоб берадиган таълим услуги ва усулларини танлайди.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясидан фойдаланишда ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнига авторитар таъсир кўрсатмайди. Таълим жараёни иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар мувофиқлаштирилган характерга эга бўлиб, томонларнинг тенглигига асосланади. Талабалар ўқув жараёнининг фаол

субъекти бўлиб, уни ташкил этишда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиб, ижодий фаолият соҳаларидан фойдаланади. Шахсга йўналтирилган таълим технологияси қўлланилганида бўйича таълим олувчилар тафаккури ривожланади ва муайян натижага эришиши муқаррар бўлади. Ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришни ўқув машғулотларига муаммоли, модулли, лойиҳа таълим технологияларини қўллаш асосида амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаммоли таълим технологиясининг асосий мақсади билим олувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш, тафаккурини ривожлантириш, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётга тадбиқ этилишини кучайтиришдан иборатдир. Педагогик-психологик адабиётларда муаммоли таълимнинг илмий-назарий асослари ҳақида гап борганда, уни таълим методи, принципи ёки алоҳида тизим деб ҳисоблаш ҳолатлари учрайди. Муаммоли таълимни қандай номлашдан қатъий назар, унинг асосий хусусияти – таълим олувчининг ақлий фаоллигини ошириш, мустақил ижодий изланиш, ўзи учун янги билим, кўникма ва малакаларни кашф этишдан иборатдир.

Касбий таълим жараёнида қўлланилганда юқори сифат ва самарадорликка эришишни таъминлашнинг энг мақбул технологияларидан бири сифатида модулли таълим технологияси ва унинг имкониятларини эътироф этиш мумкин.

Модулли таълим технологияси сўнгги пайтларда кенг қўлланилаётган шахсга йўналтирилган таълим технологиялардан биридир. Модулли таълим технологияси асосида ўқитиш анъанавий ўқитишнинг муқобили сифатида юзага келган бўлиб, педагогик назария ва амалиётда тўпланган барча тажрибаларни бирлаштиради.

Модуль, лотинча *modulus* – “ўлчов” сўзидан келиб чиққан ҳолда, инсоннинг фикрлаши, хабардорлигини ривожлантириш, мустақил ўрганиш қобилияти ва тайёргарлигини ривожлантиришга мўлжалланган. Ҳозирги кунда модулли таълим технологиясининг турли вариантлари ишлаб чиқилган ва муваффақиятли қўлланилмоқда.

Талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришда лойиҳа таълим технологиялари зарур аҳамиятга эга ҳисобланади. Лойиҳа технологияси бу – аста-секин мураккаброқ амалий вазифаларни режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида билим ва кўникмаларни эгаллайдиган ўқув тизими ҳисобланади. Лойиҳа технологияси ҳар доим талабаларнинг (индивидуал, жуфт ва гуруҳ) фаол мустақил ишларига қаратилган бўлиб, улар маълум вақт давомида бажарадилар.

Лойиҳа асосида ўқитишнинг мақсади: талабаларнинг ўзлаштира олмаётган билимларни турли манбалардан олишларига шароит яратиш; олинган билимлардан ўқув-билиш ва амалий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланишни ўрганиш; мулоқот қобилиятларини ривожлантириш; талабалар турли гуруҳларда (жамоаларда) ишлашади; улар тадқиқот қобилиятларини ривожлантиради (муаммони аниқлаш, маълумот тўплаш, кузатиш, эксперимент ўтказиш, фаразларни таҳлил қилиш, умумлаштириш); тизимли фикрлаш, диққат, тасаввур ва хотира ривожланади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инновацион характерга эга таълим технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Муаммоли, модулли ва лойиҳа таълими технологиялари талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу сабабли тадқиқотни олиб бориш жараёнида улардан фаол фойдаланишга эътибор қаратилди.

Тадқиқот моҳиятига кўра, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш янги инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ҳисобига таъминланади, деган хулосага келинди. Тадқиқот давомида касбий таълим жараёнига инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи қуйидаги технология таклиф қилинди, назарий жиҳатдан асосланди ва тажриба асосида амалиёт синовидан ўтказилди: Технологиянинг номи: “Пауэр сейвинг” технологияси.

Технологиянинг мақсади: Таълим жараёнида ўқитувчи ва талабаларнинг толиқишини олдини олиш, куч-қувватини тежаш муайян фан бўйича билим, кўникма, малака ва шахс сифатларини шакллантириш

Технологиянинг моҳияти: “Пауэр сейвинг” (инг. “power saving” сўзидан олинган бўлиб, “power” – куч қувват, “saving” – тежаш) технологияси мазмунига кўра моҳияти маъруза машғулотларида ёки назарий маълумотлар кўпроқ бериладиган машғулотларда ўқитувчи ва талабаларнинг қувватини тежаш, зўриқишларини олдини олишга хизмат қилади. Замонавий шароитда таълимнинг сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур технолгиядан фойдаланиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Хусусан, талабалар фаол бўлсагина таълим олиш самарали бўлиши, ўқув машғулотларининг дастлабки 20-15 дақиқасидагина талабаларнинг диққати барқарор бўлиши, кейин эса диққат чалғиб кетиши ва буниг натижасида толиқишнинг вужудга келиши кузатилади. Мазкур вазиятни олдини олиш ҳамда зўриқишни бартараф этиш мақсадида мини-маъруза ва мунозаранинг ўзаро алмашинувини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда Касб таълими йўналишлари талабаларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш интерфаол методларни такомиллаштириш, самарали имкониятлари аниқлаш ва уларни касб таълими жараёнида қўллаш ҳисобига таъминланади. Шунга кўра, талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш имкониятини таъминловчи қуйидаги интерфаол методлар назарий жиҳатдан асосланди ва тажриба асосида амалиёт синовидан ўтказилди:

"Дуал компетент" методи. "Дуал компетент" (ингл. “dual competition” сўзидан олинган бўлиб, “дуал” – иккиёқлама, “competition” – беллашув) методи ўз моҳиятига кўра ўзлаштирилган билимларни таҳлил ва синтез қилиш асосида мавзунинг асосий мазмунини билдирадиган муҳим таянч тушунчалар ажратиб олинади. Гуруҳ талабалари икки кичик гуруҳга ёки жуфтликка ажратилади. Мавзунинг таянч тушунчалари талабаларга кетма-кет тартибда бўлиб берилади ва

улар ҳар-бир таянч тушунчанинг мазмунини ёритиб бера олишлари керак бўлади. Қайси гуруҳ иштирокчилари, ёки жуфлик кўпроқ таянч тушунчанинг мазмунини ёритишига қараб ғолиб томон аниқланади.

“Интеллектуал контроверс” методи. “Интеллектуал контроверс” (фр. “controverse” – тортишув-беллашув) методи ўқув машғулотларининг қизиқарли ўтиши учун мавзу юзасидан иштирокчилар ўртасида ўзаро баҳс уюштириш, уларнинг ўзаро фикр алмашишларини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур методдан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланамиз: янги билимларни шакллантириш; талабаларда у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, туб маъносини тушуниб етишга мотивацияни таъминлаш; талабаларга далил ва далилга асосланган хулоса орасидаги фарқни тушуниб етишни ўргатиш; коммуникатив кўникмаларни шакллантириш; эркин мунозараларга киришиб кетишни таъминлаш; нутқ маданиятини ривожлантириш; мантиқан фикрлашга ўргатиш.

“Демонтер” методи. “Демонтер” (фр. “démonter” – қисмларга ажратиш) методида талабаларни ўрганилаётган мавзунини қисмларга бўлинади ва зарур қоидалари ажратилади. Икки устунлик жадвал тузилади, жадвалнинг биринчи устун катагига ўқитувчи томонидан мавзунинг мазмунига оид қоида ёки кичик қисмнинг номи ёки бош таянч сўзи ёзилади. Талабалар томонидан мазкур сўзнинг маъноси ёки қоида жадвалнинг иккинчи устунига ёзилиши керак. Бу эса ўз навбатидан талабани изланишга мажбур қилади. Ҳар-бир қоида ёки қисмнинг маъносини алоҳида ўрганилади. Ундан фойдаланишда талабаларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Талабаларнинг мустақил таълимини методологик жиҳатларини кўриб чиқишнинг долзарблиги, сўнгги йилларда республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган ички эҳтиёжнинг шаклланиши нафақат вақт талаби, балки шахсий салоҳиятни рўёбга чиқариш шарти ҳам бўлади. Замонавий узлуксиз таълимнинг муаммоларини ҳал қилиш таълим жараёнида ўқув материалларида мустақил ишларнинг ролини ошириш зарур саналади.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида педагогик фаолият давомида орттирилган тажрибалар асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшадиган янги инновацион технологиялар таклиф қилинди ва илмий асосланди.

1. “Рейчер” технологияси – деб номланган ушбу технология талаба мустақил иш топшириқларини бажаришда юқори натижаларга эришиш, ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришда қўлланилади.

Рейчер (Фр. “recherche” - “изланувчи”) технологияси – аудитория машғулотларида ҳам аудиториядан ташқари мустақил фаолиятда ҳам қўлланилиши мумкин.

Технологиянинг мазмуни: Ўқув машғулотини мавзусини ёки муайян тартибда ўрганилаётган исталган мавзунини ўзлаштиришда айнан шу мавзунинг мазмунини тўла ёритиш кесимида саволлар ва айнан шу саволларнинг

жавобларини ҳам тайёрлаш жараёни амалага оширилади. Буни амалга ошириш ҳам жиддий изланишни талаб этади.

Аудиторияда ўқув машғулотлари давомида ўқитувчи томонидан ўтилган мавзунини мустақамлаш мақсадида тезкор равишда савол тузиш ва жавобини ҳам топиш топшириғи берилади. Албатта ўқитувчи томонидан ёки ўқув адабиётларида берилган саволларга жавоб топишда қийналаётган талабалар бу топширикни ўзлари учун имконият деб ҳисоблайдилар ва зўр қизиқиш ва иштиёқ билан топширикни бажаришга киришадилар. Бажарилган топшириқлар салмоғига қараб баҳоланади.

Аудиториядан ташқари мустақил фаолият шароитида эса ўқитувчи томонидан ўтилган мавзу юзасидан уйга вазифа тарзида ўтилган мавзунинг тўла мазмунини қамраб олиш кесимида 10 та савол ва унинг жавобини тузиб келиш топшириғи берилади.

Технологиянинг моҳияти: аниқ моҳият ва мақсад талабалар ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга қаратилган экан, саволни ҳам ўзи тузиш – жавобни ҳам ўзи топиш жараёни талабани ўзи англамаган ҳолда изланишга чорлаш, мавзу юзасидан барча маълумотларни кўриб чиқиши ва таҳлил қилиб чиқишини таъминлайди. Шунга кўра, ўқув материални фаол ўзлаштиришга эришилади ва бунда талабалар аъло баҳо олиш учун кимўзарга ҳаракат қилиши натижасида мотивацияси ҳам юқори бўлади

2. Креатор технологияси – мустақил таълимнинг натижадорлигини юзага чиқаришга қаратилган технология (Инглиз тилидаги “creator” сўзидан олинган бўлиб – ўзбек тилидаги таржимаси “ижодкор” деган маънони билдиради) бўлиб, талабаларнинг иждоқорлик қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Технологиянинг мазмуни: мазкур технология талабаларнинг мустақил равишда ишлаш жараёнида толиқишини олдини олиш, қизиқишини ошириши, самарали натижаларга эришиши, ўзлаштириш кўрсаткичларининг кўтарилишини таъминлашга қаратилган. Мустақил иш жараёнида дастлаб мавзунинг мазмунини ёритувчи режалар белгилаб олинади; шунга кўра, мазмунни ёритувчи адабиётлар ва манбалар тўпланadi; тўпланган манбалар асосида зарур маълумотлар жамланади; жамланган маълумотлар таҳлил қилинади; таҳлил натижалари бўйича эталон сўзлар ажратиб олинади ва эталон сўзлар мазмунини ёритишга хизмат қиладиган зарур қоидалар аниқлаштириб олинади. Мазкур вазифалар талабаларни жиддий изланишга йўналтиради натижада ўрганилаётган мавзунинг мазмунини ўзлаштиришга эришилади.

Мустақил таълим - тушунчаси ўқитувчи ва талабалар ҳаракатларининг ажралмас тизими сифатида қаралиши, бинобарин, реал таълим жараёнида деярли фарқланмайдиган ички ва ташқи томонларнинг диалектик бирлигини акс эттирувчи хусусиятлар орқали очиб берилиши лозим. Топширик мазмуни ва уни тақдим этиш шакли, ўқитувчининг кўрсатмалари, қўлланиладиган ўқитиш воситалари ва уларни ташкил этиш талабалар фаолиятининг мотивациясини, уларнинг ақлий ва иродавий ҳаракатлари, ақлий операциялари, амалий ҳаракатлари, талабаларнинг мустақиллигини белгилайди. Бошқа томондан, унинг барча бой кўринишларида мустақил фаолият (маълум мақсадга

мувофиқлик, амалга ошириш усулларининг етарлилиги, қийинчиликлари, ижодкорлиги) ўқитувчини назорат, тузатиш, маслаҳат, қўшимча кўрсатмалар ва бошқа махсус ҳаракатларга ундайди.

Тўртинчи боб **“Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш самарадорлиги бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланади.

Ҳар бир тажриба майдонида талабаларда касбий компетентликни ривожлантиришга доир методикани амалиётга татбиқ этиш учун синов ишларига респондент-талабалар жалб этилди. Ташкил этилган тажриба-синов ишларининг самарадорлиги тажриба ва назорат гуруҳларини шакллантириш орқали аниқланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигининг ривожланиш даражасини аниқлаш учун меҳнат интенсивлиги ва вақт харажатларининг камлиги билан характерланадиган диагностик мезонлар ишлаб чиқилди. Ҳар қандай диагностик мезонлар муайян сифат талабларига жавоб бериши керак: ташхисни ўтказадиган натижаларнинг мустақиллиги билан тавсифланадиган объективлик; ҳақиқийлик, тестнинг баҳолашга қаратилган сифатини ўлчаш учун яроқлилиги; ишончлилик, шахснинг сифати ўлчанадиган аниқлик ва мустақамлик даражасини кўрсатиш ва тест саволларининг хатолари бўлмаслигини таъминлаш; тест стандартларга мувофиқлиги – ўхшаш хусусиятларга эга бўлмаслиги; илмий – фундаментал тадқиқотлар томонидан илмий асосланган бўлиши керак бўлади.

Касбий тайёргарликнинг бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш даражасини баҳолаш мезонларини аниқлашда ўқув-билиш компетентлигининг функционал структурасига мос келадиган тўртта компонентли баҳолаш тузилмасидан фойдаланиш лозим топилди. Ўқув-билиш компетентлигининг моҳиятини ўрганиш, унинг тузилиши, мезонлари ва ривожланиш даражаларини аниқлаш ва илмий тадқиқотларнинг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда унинг етакчи компонентлари очиқ берилди: мотивацион, когнитив, фаолият ва креатив.

Мотивацион компоненти – мотивацияни англатади, биз томонимиздан ўқув-билиш фаолиятини бошқарувчи ва тартибга солувчи барқарор мотивлар мажмуи сифатида тушунилади, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўз таълим эҳтиёжларини аниқ англашни, мақсад ва қийматни аниқ тушунишни ўз ичига олади: талабалар ўзларининг таълим эҳтиёжларини англаши; фаолиятнинг мазмуни ва натижасига қараб мақсадлар ва янги ғояларни аниқ англаш; ўқув-билиш фаолиятида фаол иштирок этишга, янги нарсаларни ўрганишга эътибор қаратиш; ўқув-билиш компетентлигини намоиш этишнинг ижобий мотивацияси ҳисобланади.

Когнитив компонент – қуйидагиларни ўз ичига олади: билим олиш усуллари ҳақида фикрлар; илмий адабиётлар билан мустақил ишлашнинг самарали йўллари ҳақида билиш.

Фаолият компоненти – ўз фаолиятини муносиб баҳолаш қобилиятини англатади; қўйилган муаммо ва вазифаларни мустақил аниқлаш ва ҳал этиш

кўникмасига эга бўлиш; билим ва кўникмаларни янги вазиятга ўтказиш кўникмасига эга бўлиш.

Креатив компонент – кўрсаткичи талабаларнинг: самарали фаолият қобилиятлари, ностандарт вазиятларда ҳаракат усуллари; илмий-тадқиқот кўникмаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ўқув-билиш вазифаларини ҳал қилиш қобилиятлари; муаммоларни ҳал қилишнинг эвристик усуллари билан; лойиҳа фаолиятини амалга ошириш кўникмалари.


Тажриба-синов ишлари Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ва Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтларида амалга оширилди.

2-жадвал

Умумий натижаларга кўра тажриба-синов ишларининг барча босқичлардаги ўртача қиймат ва самарадорлик кўрсаткичларини умумлаштирилган натижалари

Босқичлар	ОТМлар	Гуруҳлар	Мотивацион	Когнитив	Фаолиятли	Креатив
Биринчи босқич	ТДТУ	ТГ	3,75	3,81	3,68	3,68
		НГ	3,46	3,53	3,42	3,43
	ТИҚХММИ	ТГ	3,86	3,87	3,92	3,72
		НГ	3,56	3,65	3,58	3,49
	ҚарМИИ	ТГ	3,82	3,8	3,73	3,82
		НГ	3,58	3,58	3,44	3,56
	Жами:	ТГ	3,82	3,84	3,81	3,73
		НГ	3,53	3,59	3,5	3,48
Иккинчи босқич	ТДТУ	ТГ	3,93	4,03	3,86	3,89
		НГ	3,49	3,57	3,46	3,47
	ТИҚХММИ	ТГ	4,03	4,05	4,09	3,94
		НГ	3,59	3,67	3,62	3,51
	ҚарМИИ	ТГ	4,02	4,02	3,93	3,95
		НГ	3,6	3,6	3,49	3,58
	Жами:	ТГ	4	4,04	3,99	3,93
		НГ	3,56	3,62	3,54	3,51
Учинчи босқич	ТДТУ	ТГ	4,11	4,14	4,01	4,07
		НГ	3,58	3,61	3,49	3,49
	ТИҚХММИ	ТГ	4,19	4,21	4,17	4,12
		НГ	3,62	3,68	3,65	3,54
	ҚарМИИ	ТГ	4,18	4,09	4,11	4,09
		НГ	3,67	3,62	3,56	3,6
	Жами:	ТГ	4,16	4,16	4,11	4,1
		НГ	3,62	3,64	3,58	3,53

Бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш даражасини ташхис қилиш учун қуйидаги тадқиқот усулларидан фойдаланилди: талабалар, турли хил тадқиқотлар; таълим жараёнида талабалар ўқув-билиш фаолияти мониторинги; ўқув-билиш фаолияти натижаларини ташхисловчи тестлар; турли мураккаблик даражасидаги топшириқлар, талабалар билан диагностик интервью; педагогик тажриба; ахборот математик қайта ишлаш усуллари.



2-расм. Самарадорлик кўрсаткичлари диаграммаси

Тажриба-синов натижалари таҳлили асосида кўриниб турибдики, инновацион ёндашув асосида талабалар ўқув-билиш компетентлигини ривожланиш даражаси мавжуд шакллари, методлари ва воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда кўрсаткичи юқори бўлган тажриба гуруҳи талабаларида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг ривожланганлик кўрсаткичлари учала босқич натижаларига кўра Стъудент методикаси бўйича тажриба гуруҳларининг назорат гуруҳларига нисбатан кўрсаткичлари биринчи босқичда 1,08 (8%) баробарга, иккинчи босқичда 1,12 (12%) баробарга, учинчи босқичда 1,15 (15%) баробарга юқори эканлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишида тадқиқот натижаларига кўра кўпгина талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини юқори даражада ривожланишига эришилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Олий таълимда инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик, ташкилий-методик мазмунини фалсафий, педагогик, дидактик, технологик хусусиятлари ва омиллари таҳлилий жиҳатдан аниқланди.

2. Тадқиқот муаммосига оид асосий тушунчалар ҳисобланган “инновацион ёндашув”, “компетентлик”, “компетенция”, “ўқув-билиш компетентлиги” тушунчаларини муаллифлик мазмуни изоҳи очиб берилди. Инновацион ёндашув таркибий компонентлари (мотивацион мақсадли, фаолиятли, компетентли, тизимли, технологик, креатив) аниқланди.

3. Касб таълими йўналиши талабаларининг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантиришда таълим жараёнини дидактик элементларини анъанавий ва инновацион ёндашувларни қиёсий таҳлили асосида касб таълимининг таянч компетенциялари таркибий қисми сифатида ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш тизими ва тузилмаси аниқланди.

4. Ўқув-билиш компетентлигининг ривожланишини бўлажак касб таълими ўқитувчиларини мустақил билиш фаолиятига жалб этиш усуллари, уни мантиқий ва психологик ташкил этиш усуллари, мустақил ўқув-билиш фаолияти жараёнида мустақиллик, ўз-ўзини ташкил этиш ва ўз-ўзини назорат қилиш қобилияти, ташаббускорлик, ўз-ўзини тарбиялаш қобилияти каби касбий жиҳатдан аҳамиятли шахс сифатларининг шакллантириш, ўқув-билиш компетентлигининг ривожланишининг педагогик шарт-шароитлари аниқланди.

5. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик тузилмаси, модели ишлаб чиқилди, унга кўра қуйидагиларни амалга ошириш: ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга назарий тайёрлиги; шахсга йўналтирилган таълим технологиялари ҳамда инновацион таълим технология ва методлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш; талабаларнинг ўзаро тайёргарлигини ташкил этиш; ўқув жараёнида фаолликни оширишга эришиш кабилар белгиланди.

6. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш жараёнини босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилувчи электрон таълим ресурслари (электрон дарсликлар, андроид мобил иловалар, видеоролик кабилар) ва босма ўқув адабиётлари тайёрлаш асосида ўқув услубий таъминотини ишлаб чиқилди.

7. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга қаратилган шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг самарали имкониятларини ўқув

машғулотлари ҳамда мустақил таълимга жорий этиш ҳисобига мотивацион-мақсадли (муаммолилик, қизиқтириш, ижодий ва амалий йўналганлик) омиллари аниқланди.

8. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантирувчи “пауэр сейвинг”, “рейчер”, “креатор” инновацион таълим технологиялари ҳамда “дуал компетент”, “интеллектуал контроверс”, “демонтер” методлари асосланган ва ўқув машғулотлари шунингдек, мустақил таълимга жорий этиш методикасининг самарадорлиги очиб берилди.

9. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлиги компонентларини (мотивацион, когнитив, фаолиятли, креатив) ривожланганлик (юқори, ўрта, қуйи) даражаларини баҳоловчи адекват мезонлар репродуктив, продуктив, креатив характерда мазмунан такомиллаштирилди. Бу эса таълим олувчилар ва таълим берувчилар иш юқини камайтириш; ўқитиш суръатини интенсифлаштириш; қобилияти ва эҳтиёжларини эътиборга олиш; ахборот мустақил иш сифатини ривожлантириш; мустақил ишларда самарали натижаларга эришиш; талабаларнинг илмий ютуқларини доимий ташқи ва ички назоратини таъминлаш; талабаларнинг жорий, босқич ва якуний академик кўрсаткичларини тўлиқ ва максимал даражада объектив баҳолаш имкониятини аниқлашга асос бўлди.

10. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди ва учала босқич натижаларига кўра Стъудент методикаси бўйича тажриба гуруҳларининг назорат гуруҳларига нисбатан кўрсаткичлари биринчи босқичда 1.08 (8%) баробарга, иккинчи босқичда 1,12 (12%) баробарга, учинчи босқичда 1,15 (15%) баробарга юқори эканлиги аниқланди. Олинган натижалар тажриба-синов ишининг самарали эканлигин тасдиқлади.

АМАЛИЙ-МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР:

1. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш учун таълимда фанлараро алоқадорлик ва узвийлиги асосида ўзаро интеграцияни амалга ошириш.

2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўз-ўзини ривожлантиришда мотивацион-мақсадли фаолиятни юзага келтириш асосида таълим жараёнини изчил, узвий ва узлуксиз самарали ташкил этиш.

3. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришни касбий-педагогик мақсадга айланиши учун педагогик, дидактик таъминотни такомиллаштириш.

4. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантиришда халқаро ва маҳаллий тажрибаларни ўрганиш, қўллаш, умумлаштириш ва оммалаштириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИИ
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

РАХИМОВ ЗАКИР ТАШТЕМИРОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ УЧЕБНО-ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ
ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА**

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА (DSc)
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора (DSc) педагогических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2021.2.DSc/Ped237.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета (www.vocedu.uz) и на информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Муслимов Нарзулла Алиханович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хамидов Жалил Абдурасулович**
доктор педагогических наук, профессор

Химматалиев Дустназар Омонович
доктор педагогических наук, профессор

Мирсолиева Мухаббат Тухтасиновна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped48.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования. (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) : 246-90-37; E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz, devonxona@iipro.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Ш.Э.Курбонов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.п.н., профессор

С.Ю.Ашурова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.п.н., профессор

К.Т.Олимов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Реформирование системы образования, активное участие в глобальных образовательных процессах, и внедрение активных технологий для развития учебно-познавательной компетентности студентов на основе инновационного подхода рассматриваются на мировом уровне. Переход на кредитно-модульную систему высшего образования также является важным шагом в данном направлении. Система образования в европейских странах основана на программах Европейского сообщества, таких как ERASMUS (European Community Action Scheme for mobility of University students) и TEMPUS. Соответственно, повышение качества образования является актуальной задачей для обеспечения международной конкурентоспособности, организации учебного процесса на основе инновационных подходов, основанных на развитии международного сотрудничества в сфере образования и реализации полученных результатов на практике.

Процессы глобализации в мире требуют от образовательных систем развития важных качеств при подготовке будущих педагогов профессионального образования, таких как высокий профессиональный потенциал, инициативность, быстрая адаптация к быстрым изменениям, активация познавательных процессов, творческое мышление и самостоятельная работа. Болонская декларация, действующая в системе образования европейских стран, сегодня предусматривает обмен студентами между высшими образовательными учреждениями Европейского Союза по программе ERASMUS. Среди них сформирована система взаимного признания образовательных результатов Европейских высших образовательных учреждений - ECTS (European Credit Transfer System). Актуальной задачей в этой системе является разработка и внедрение международных образовательных стандартов, основанных на развитии учебно-познавательной компетенции будущих специалистов, развитии международного сотрудничества в сфере образования для подготовки специалистов, отвечающих современным требованиям.

Основная цель проводимых в стране реформ - воспитывать полноценно развитых личностей, обладающих высокой профессиональной культурой, творческими способностями, социальной активностью, и чувствующих ответственность перед обществом, государством и семьей. Значительно расширяются прямые научные связи Академии наук Узбекистана с крупнейшими научными центрами мира на основе равноправия и взаимной заинтересованности. «Сама жизнь и потребности людей ставят новые и более сложные задачи, на которые нам необходимо найти практическое решение»¹. Разработка новых технологий и методов развития учебно-познавательной

¹ Мирзиёев Ш.М. Критический анализ, строгая дисциплина и личная ответственность должны быть повседневным правилом работы каждого руководителя. - Т.: Узбекистан, 2017. - 10 с.

компетентности студентов на основе инновационных подходов в системе образования предполагает актуальность исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, установленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе от 6 сентября 2019 года № УП-5812 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования», Постановлении от 8 октября 2019 года № УП-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», Указе от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», Постановлении от 5 июня 2018 года № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», а также других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование реализовано в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики I. «Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации². Исследования по совершенствованию технологической и научно-методической базы развития учебно-познавательной компетентности будущих педагогов профессионального образования на основе инновационных подходов реализуются в ведущих мировых исследовательских центрах и высших образовательных учреждениях, включая Лондонский университет (Великобритания), Оксфордский университет (Великобритания), Стэнфордский университет Людвига-Максимилиана (США), Техасский университет (США), Пристонский университет (США), Мюнхенский университет (Германия), Восточноевропейский научный журнал (Германия), Нагойский университет (Япония), Переяслав-Хмельницкий Государственный Педагогический Университет им.Г.С.Сковороды (Украина), Российский государственный профессионально-педагогический университет (Россия), Национальный педагогический университет имени Абая (Казахстан).

В результате исследования развития учебно-познавательной компетентности будущих педагогов профессионального образования на основе инновационных подходов в высших образовательных учреждениях получены следующие научные результаты: разработаны методы и формы применения инновационных технологий, направленных на развитие учебно-познавательной

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ox.ac.uk>; <https://london.ac.uk>; <https://www.utexas.edu>; Chartered and Recognized by the Government of NWFP and Government of Sindh <http://www.preston.edu.pk>; University of Munich, Ludwig-Maximilians-Universität München или LMU https://www.unipage.net/ru/university_of_munich; The journal is registered in Germany <http://www.eesj.ru>; <https://smapse.ru/nagoya-university>; <http://ksue.org.ua/uk/pereyaslav-hmelnitskiy-gosudarstvenniy-pedagogicheskiy-universitet-imeni-grigoriya-skovorodyi>; <https://www.rsvpu.ru>; <https://www.kaznpu.kz/ru>; International Conferences on Adult Education (CONFINTEA) <https://uil.unesco.org/adult-education/confintea>; <https://www.uni-heidelberg>.

компетенции будущих педагогов профессионального образования (The International Conference on Adult Education – CONFINTEA); усовершенствована методическая система развития учебно-познавательной компетентности будущих педагогов профессионального образования на основе инновационного подхода (National Institute Of Technical Teachers Training And Research); на основе традиционных и современных дидактических средств обучения разработаны модульные технологии развития учебно-познавательной компетентности будущих педагогов профессионального образования (University of Heidelberg); систематизированы методы проектирования (моделирования) процесса формирования учебно-познавательной компетентности будущих педагогов профессионального образования (Princeton university); за счет внедрения медиа-технологий и тьюторной системы разработан механизм развития учебно-познавательной компетентности будущих педагогов профессионального образования (Technology and methodology of vocational education); разработаны образовательные парадигмы, направленные на развитие учебно-познавательной компетентности будущих педагогов профессионального образования (Россия).

Степень изученности проблемы. Инновационный подход к образовательному процессу в высших образовательных учреждениях и различные проблемы развития учебно-познавательной компетентности студентов исследованы учеными Р.Х.Джураевым, Ш.Э.Курбоновым, А.Р.Ходжабоевым, Н.А.Муслимовым, Қ.Т.Олимовым, Д.Д.Шариповой, М.Б.Уразовой, Р.Д.Шодиевым, Ж.А.Хамидовым, О.Х.Туракуловым, С.Ю.Ашуровой, Д.О.Химматалиевым и др.³.

Среди ученых стран СНГ И.А.Адольф, В.Г.Афанасьев, В.П.Беспалько, Ю.И.Булатова, А.Б.Воронцов, Д.С.Елисеева, Э.Ф.Зеер, В.И.Загвязинский, И.Ф.Исаев, Л.С.Подымова, В.А.Сластенин и др.⁴ проводили научно-

